

АЁЛЛАР СУИЦИДИДА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ПАТОМОРФОЛОГИК ДИФФЕРЕНЦИАЛ- ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАР

Элиева Мехринисо Фахритдинова

Тошкент Давлат Тиббиёт университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22740945>

Аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари жаҳон соғлиқни сақлаш ва суд-тиббиёт амалиётининг ўткир муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Суицидал ҳаракатларнинг сабаблари ва механизмини комплекс баҳолаш, айниқса суицид ҳолатларини зўравонлик билан боғлиқ бошқа ўлим турларидан фарқлаш экспертлик амалиётида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқот Наманган вилояти филиали базасида 2020–2025 йилларда ўтказилган 43 та ретроспектив ва 157 та проспектив мурда судебно- тиббий экспертиза хулосалари, шунингдек 63 нафар суицидга уринган ва 38 нафар соғлом аёлнинг психосоматик кўрсаткичлари асосида олиб борилди. Ишда морфологик, иридодиагностик, психосоматик ҳамда статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

Натижалар ва муҳокама. Ўтказилган тадқиқотлар аёллар суицидида танланган усуллар яъни осилиш, заҳарланиш, баландликдан йиқирилиш ва жароҳатлар жойлашишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Морфологик таҳлиллар ва вазият омилларини комплекс баҳолаш асосида аёлларда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини зўравонлик оқибатидаги қотиллик ҳолатларидан фарқлашнинг янги дифференциал-диагностик мезонлари шакллантирилди. Суд-тиббий экспертиза материалларининг таҳлили суицид натижасида вафот этган айрим аёлларда этил спирти, дори воситалари ва бошқа психоактив моддалар мавжудлигини кўрсатди. Ушбу ҳолатлар ҳар бир вазиятда суд-кимёвий текширув натижалари билан тасдиқланиб, суицидал ҳаракатнинг шаклланишида қўшимча хавф омилларини баҳолаш имконини берди.

2022–2025 йилларда қайд этилган ҳолатлар таҳлили постпандемия даврида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, оилавий муносабатлардаги мураккабликлар ва руҳий саломатлик билан боғлиқ муаммолар аёлларда суицидал хавфнинг ортишига таъсир кўрсатганлигини намоён этди. Айниқса, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги, узоқ давом этган психологик босим ҳамда депрессив ҳолатлар суицидал хатти-ҳаракатнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Суд-тиббий экспертлар учун психологик аутопсия элементлари ва

жароҳат етказиш механизмларини кетма-кет баҳолаш алгоритми жорий этилди.

Хулоса. Ишлаб чиқилган дифференциал-диагностик мезонлар ва алгоритм аёллар суициди бўйича ўтказиладиган суд-тиббий экспертизаларнинг ҳолислигини исботлайдиган омилнинг аниқлигини оширади ҳамда эксперт хатоликларининг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аграновский М. Л. Психопатологические особенности личности больных с незавершенными суицидами: научное издание // Неврология. – Ташкент. – 2014. – Том 58. – № 2. – С. 28–29.
2. Азази А.А. Система обработки и распознавания изображений сложных кривых // Вестник Костромского государственного университета им. Н.А. Некрасова, Кострома: КГУ, – 2011. – Т.17, – № 3. – С. 18 – 21.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Аҳолининг демографик кўрсаткичлари бўйича статистик тўпламлар (2015–2024 йй.). – Тошкент, 2025.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. Суицид ва суицидга уриниш ҳолатлари бўйича таҳлилий маълумотлар (2015–2024 йй.). – Тошкент, 2025.
4. Bachmann S. Epidemiology of Suicide and the Psychiatric Perspective // International Journal of Environmental Research and Public Health. – 2018. – Vol. 15, №7. – P. 1425.
5. World Health Organization. Suicide worldwide in 2019: Global health estimates. – Geneva: WHO, 2021. – 64 p.
6. Валитова Г.М. Медико-социальное исследование суицидов среди детей и мероприятия по их профилактике. Автореф. дис... канд.медиц.наук. – Москва., 2010. – 24 с.
7. Витер В.И., Коротун В.Н., Перминов. Медико-правовые и исторические аспекты компетенции эксперта при определении суицида как рода смерти. // Проблемы экспертизы в медицине, - 2003, - №4, - С.5-8